

Сийрат дарслари (215-дарс) Исломнинг хулқи ҳаёдир



19:00 / 27.01.2023 2702

834. Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам биродарига ҳаё борасида танбех бераётган ансорлардан бир кишининг олдидан ўтиб қолдилар ва: **«Уни ўз ҳолига қўй! Албатта, ҳаё иймондандир»**, дедилар».

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

* * *

835. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Ҳаё иймондандир, иймон (соҳиби) жаннатдадир. Ҳаёсизлик жафодир, жафо (эгаси) дўзахдадир»**, дедилар».

Термизий, Ибн Ҳиббон ва Ҳоким ривоят қилишган.

* * *

836. Абу Саввор Адавийдан ривоят қилинади:

«У Имрон ибн Хусойн розияллоҳу анҳунинг Набий соллаллоҳу алайҳи васалламдан ушбу ҳадисни айтаётганини эшитган экан: «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Ҳаё фақат яхшилик келтиради»**, дедилар». Бушайр ибн Каъб: «Ҳикматда: «Виқорли бўлиш ҳаёдандир. Сокинлик ҳаёдандир» деб ёзилган», деди. Шунда Имрон унга: «Мен сенга Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан ҳадис сўзласам, сен менга саҳифангдан сўзлайсанми?!» деди».

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

* * *

837. Абу Масъуд Бадрий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Одамлар нубувватнинг каломидан англаб келган нарсаларидан бири: «Агар ҳаё қилмасанг, истаганингни қилавер»дир»**, дедилар».

Бухорий ривоят қилган.

* * *

838. Анас ва Ибн Аббос розияллоҳу анҳумдан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Ҳар бир диннинг ўз хулқи бор, Исломнинг хулқи ҳаёдир»**, дедилар».

Ибн Можа ривоят қилган.

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам» китобидан